

“O’zyo’lmashservis” ilmiy-ishlab chiqarish tajriba unitar korxonasi

USTAVI

I. Умумий қоидалар

1. “Ўзйўлмашсервис” илмий-ишлаб чиқариш тажриба unitar корхонаси (кейинги ўринларда - “Корхона”) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2776-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда - “Муассис”) ташкилий тузилмасига киритилган.

2. Муассиснинг 2017 йил 29 мартдаги 08-сонли буйруғига асосан “Ўзйўлмашсервис” илмий-ишлаб чиқариш тажриба давлат unitar корхонаси - “Ўзйўлмашсервис” илмий-ишлаб чиқариш тажриба unitar корхонаси этиб қайта номланган.

“Ўзйўлмашсервис” илмий-ишлаб чиқариш тажриба unitar корхонаси “Ўзйўлмашсервис” илмий-ишлаб чиқариш тажриба давлат unitar корхонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Корхонанинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида - “Ўзйўлмашсервис” илмий-ишлаб чиқариш тажриба unitar корхонаси (қисқартмаси - “Ўзйўлмашсервис” ИИЧТУК);

рус тилида – Научно-производственное экспериментальное unitarное предприятие «Узйулмашсервис» (қисқартмаси – НПЭУП “Узйулмашсервис”).

4. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади ва унинг фаолият муддати чекланмаган.

5. “Ўзйўлмашсервис” илмий-ишлаб чиқариш тажриба unitar корхонаси Муассиснинг unitar корхонаси ҳисобланади.

6. Корхона ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Муассиснинг қарорлари, фармойишлари ва буйруқларига, мазкур Уставга ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

7. Корхона ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида амалга оширади ва бевосита Муассисга бўйсунди.

8. Корхона Уставига ўзгартиришлар Муассиснинг қарорига кўра киритилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

9. Корхона Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ўз номи давлат тилида ёзилган бланкаларга, думалоқ муҳрга, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банкда ҳисоб рақамларига, шунингдек хорижий валюта ҳисоб рақамига эга бўлади.

10. Корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

11. Корхона давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас.

12. Корхонанинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, М.Содиқов кўчаси, 15-уй.

II. Корхонанинг мақсади ва асосий вазифалари

13. Корхонанинг асосий мақсади – ўзаро шартномалар асосида бино, иншоатлар, кўприклар, электр тармоқлари ва бошқа қурилиш иншоатлари учун металл конструкциялар ва бошқа саноат маҳсулотлар ишлаб чиқариш, йўл қурилиш техникаларини, машина ва механизмларни таъмирлаш ҳисобланади.

14. Қуйидагилар Корхонанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

– бино, иншоатлар, кўприклар, электр тармоқлари ва бошқа қурилиш иншоатлари учун металл конструкциялар ва бошқа саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

– йўл қурилиш техникаларини, машина ва механизмларни таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш;

– маҳсулотлар ишлаб чиқаришга янги, замонавий технологияларни қўллаш орқали рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, юқори даражада хизматлар кўрсатиш;

– ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни ўзаро тузилган шартномалар асосида мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилотларга ва фуқароларга реализация қилиш;

– ишлаб чиқаришга илғор тажриба, янги техника, технология ва самарали йўл-қурилиш материаллари, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги илғор тажрибаларни тадбиқ этиш;

– ишлаб чиқаришни техникавий ва ашёвий таъминоти, аниқ иш бажарувчини танлаш, иш ҳақи тўлашни ўрнатилган тартиб ва усулларни қўллаш, ишчи хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш ва ўзини-ўзи бошқариш масалаларини мустақил ҳал қилиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бажариш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

– корхона ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш, меҳнат жамоаларининг ижтимоий ҳаётини яхшилаш учун шароитлар яратиш;

– автотранспорт ва механизм хизматларини кўрсатиш;

– улгуржи савдо;

– чакана савдо;

– турли соҳаларда ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш;

– фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

15. Лицензия ёки махсус рухсат талаб қилинадиган фаолият турлари, ўрнатилган тартибда лицензия ёки махсус рухсат олингандан сўнг амалга оширилади.

III. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

16. Муассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Корхона фаолиятининг мақсади, вазифалари, функциялари, предмети, турларини белгилаш;

Корхона Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш;

Корхона директорини тайинлаш, у билан меҳнат шартномасини тузиш ва тузилган меҳнат шартномасини белгиланган тартибда муддатидан олдин бекор қилиш;

Корхонани қайта ташкил этиш ва (ёки) тугатиш, номини ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Корхона мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

Корхонанинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни белгиланган тартибда олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

Корхона соф фойдасини тасарруф этиш ва уни сарфлаш йўналишларини белгилаш;

Корхонага етказилган зарарларни ундириш тўғрисида Корхона директорига нисбатан даъво тақдим этиш;

Муассис томонидан Корхонага берилган мулк ҳисобидан фойдаланишдан тушган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш.

17. Муассис қуйидагиларга мажбур:

Корхона директорини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ директор билан меҳнат шартномасини тузиш;

Корхонага берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

IV. Корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

18. Корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Республика йўл ҳўжалиги фаолиятидаги барча масалалар бўйича тегишли давлат бошқарув идораларига таклифлар, фикр-мулоҳазалар киритиш;

ишлаб чиқаришнинг моддий-техник таъминоти масалаларини мустақил ҳал қилиш;

аниқ иш турларининг ижрочисини танлаш;

меҳнат унумдорлигини ошиши ва ишларнинг сифатини таъминлайдиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли шакллари қўллаш;
меҳнат жамоасининг ижтимоий ривожини масалаларини ҳал қилиш;
белгиланган тартибда банклардан турли кредитлар олиш;
Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланиш.

19. Корхона директори Корхонанинг яқка ижро этувчи органи ҳисобланади ва Корхона олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, Корхона номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифода қилади. Корхона номидан битимлар тузади ва уларни белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлайди, ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва бекор қилади, буйруқлар чиқаради, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

20. Корхона директори Корхонага юклатилган вазифа ва мажбуриятларга мувофиқ Корхона фаолияти ташкил этилиши учун шахсан жавоб беради.

21. Корхона бошқарув ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг лавозим тариф разрядлари Корхона директори томонидан Муассис билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

22. Корхона директори Муассис олдида Корхона Уставида белгиланган тартибда Корхона фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

23. Корхона директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Корхона манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан Корхонага берилган мулк йўқолган тақдирда, Корхонага етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Корхонага берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига қатъий равишда риоя қилиш.

V. Корхонанинг устав фонди

25. Корхонанинг устав фонди 70 909 623 (етмиш миллион тўққиз юз тўққиз минг олти юз йигирма уч) сўм миқдоридagi асосий воситалардан ташкил топган ва тўлиқ шакллантирилган.

26. Корхонанинг устав фонди Муассиснинг қарорига мувофиқ қўпайтирилиши ёки камайрилиши мумкин. Устав фондининг

кўпайтирилганлиги ёки камайтирилганлиги Корхона уставига бу ҳақда тегишли ўзгартириш киритилиб, ушбу ўзгартиришлар Муассис томонидан тасдиқланган ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга киради.

27. Корхонанинг устав фондини кўпайтириш Муассиснинг кўшимча улушлари ҳисобидан ёки Корхона соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Корхона устав фондини Корхона соф фойдаси ҳисобидан кўпайтириш тўғрисида қарор Корхонанинг ушбу қарор қабул қилинадиган йилдан олдинги йилги бухгалтерия ҳисоботи маълумотларига асосан қабул қилинади. Корхона устав фондини камайтириш Муассис қарорига асосан амалга оширилади.

28. Корхона мулки давлат мулки ҳисобланади, ҳамда:

Муассис томонидан Корхонага бириктирилган (берилган) мулк;
Корхонанинг ўз фаолиятидан олинган даромадлари;
қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбаалар ҳисобига шакллантирилади.

Корхона мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

29. Корхона мулки бўлинмас мулк ҳисобланади.

30. Корхона мулкини тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда Корхонанинг директори томонидан фақат Муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни балансдан чиқариш, сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

мулкни бошқа хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўшиш;

хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;

хўжалик жамиятларидаги Корхонага тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш;

мулкни Корхона фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

VI. Корхонанинг фойдаси

31. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Корхона ҳисобида қоладиган соф фойда унинг ихтиёрида қолади.

32. Корхона соф фойдасини тасарруф этиш Муассис билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

33. Корхона ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига Муассиснинг розилиги билан заҳира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

34. Муассис билан келишилган ҳолда Корхонада ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш ҳамда ижтимоий мақсадларда фондлар ташкил этилиши мумкин.

35. Корхона Муассиснинг марказлашган жамғармасига соф фойдаси ҳисобидан тўловларни тўлашни ўрнатилган тартибда ташкил қилади.

VII. Корхонанинг жавобгарлиги

36. Корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Корхона Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Муассис Корхонанинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

VIII. Корхона фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш

37. Корхонани Муассис томонидан ўрнатилган тартибда тайинланган директор бошқаради. Корхонанинг директор ўринбосари, бош муҳандиси ва бош ҳисобчиси Муассис билан келишилган ҳолда Корхона директори томонидан тайинланади.

38. Корхона ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

39. Корхона ҳисобот даври (чораклик, йиллик) якуни бўйича Муассисга ўрнатилган тартибда баланс ҳисоботларини (молия, бухгалтерия, статистик ва бошқа ҳисоботлар) топширади.

40. Корхона фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

IX. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш

41. Корхона Муассис қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

X. Якуний қоидалар

42. Ушбу Уставда тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

43. Ушбу Устав қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.